

БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИ-ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ МОТИВАЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КОМПОНЕНТЛАРИ

Тешабаева Замира Собировна
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
“Мактабгача таълим методикаси” кафедраси
катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада бўлажак тарбиячи-педагогларларда касбий мотивацияни шакллантиришининг педагогик жиҳатлари, касбий мотивацияга оид олимларнинг тадқиқотчиларнинг қарашлари мазмуни ва таҳлили баён этилган. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш йўллари кўрсатилган.

Таянч сўзлар: мотив, касбий мотивация, инновация, эҳтиёж, маҳорат, эҳкомпетентлик, компонент, субъект, технология, кўрсатма, когнитив, интернал, эмоционал, экстернал, мимика, рефлексив, жест.

PECULARITIES OF THE FORMATION OF PROFESSIONAL MOTIVATION IN FUTURE TEACHERS

Teshabaeva Zamira Sobirovna
Senior teacher Department of "Methods of preschool education"
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Abstract: The article discusses the pedagogical aspects of the formation of professional motivation of future educators. The content and analysis of scientists' views on professional motivation are described. The ways of preparing students for professional activity are shown.

Keywords: *motive, professional motivation, skill, competence, component, subject, innovation, technology, attitude, need, cognitive, internal, emotional, external, reflexive, gesture, facial expressions.*

Юртимизда кечаётган кенг кўламли ижтимоий-маънавий ислохотлар мактабгача таълим тизимига рақобатбардош малакали мутахассисларни тайёрлашни долзарб масала қилиб қўймоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари педагог-тарбиячиларини тайёрлаш вазифаси белгиланган [1]. Мазкур муаммони амалга оширишда олий таълим тизими ҳам алоҳида ўрин тутади. Касбий мотивация талабаларни касбий-дидактик билим, кўникма ва малакаларни етарли даражада ўзлаштиришларига турки беради. Бўлажак тарбиячи-педагогларда касбий мотивацияни шакллантириш мактабгача таълим жараёнида инновацион ғояларни яратиш ва самарали равишда ташкил этиш ҳамда педагогик изланувчанликни амалга оширишни таъминлайди. Талабаларда касбий маҳоратни шаклланиши уларнинг шахсий сифатлари ва фаолият тузилиши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Уларни инновацион фаолиятга тайёрлаш касбий компетенция, касбий кўникма ва малакаларни ўзлаштириш билан амалга ошади. Н.А.Муслимов ва бошқалар фикрича “компетентлик таълими натижасида қуйидагилар таъминланиши керак: ўз-ўзини ҳаракатга келтириш манбаи сифатида таълим олишга ички мотивациянинг мавжуд бўлиши; яхлит фаолиятни эгаллаш шарти сифатида ўқув фаолияти жараёнида ўз-ўзини ташкиллаштириш қобилияти; ҳар бир одамга ўзининг у ёки бу ўқув материални ўзлаштира олиш даражасини аниқлаш имконини берувчи ўз-ўзини дифференциациялаш (ўз даражасини аниқлай билиш) қобилияти; таълим

олувчи томонидан шахсий аҳамиятга эга бўлган натижаларга эришишлик; таълим жараёнининг барча субъектлари орасидаги ўзаро боғланган самарали фаолиятнинг мавжудлиги”[5;14- бет.].

Бўлажак тарбиячи-педагогларда касбий мотивация шаклланиши натижасида касбий компетенция ҳам ривожланади. Улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш учун олий таълим жараёнида бўлажак тарбиячида ўз фаолиятини муваффақиятли бўлишига юқори даражада ишонч мотивациясини ошириш лозим. Касбий тайёрлик бевосита фаолиятни ташкил этишнинг объектив ва субъектив, ижодий-индивидуал компонентлари билан тавсифланади. Бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш учун олий таълим жараёнида таълимнинг инновацион технологияларини татбиқ этиш; ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиш; ҳиссиётларини бошқара олиш кўникма ва малакаларни ривожлантириш; жамиятдаги ўзгаришларга тез мослаша олиш; келажакда турли хил кутилмаган вазиятларга тайёр туриш; турли хил тафаккур шакллари ва ижодий қобилиятларни фаоллаштириш; касбдошлари, ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш қобилиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш имкониятлари таълим муҳитида турли хил ўзаро таъсир кўрсатиш омиллари, шахсий мойилиги ва лаёқатини ошишини таъминлайди. Инновацион технологияларнинг энг асосий жиҳатларидан бири талаба шахсини ички имкониятларини намоён этиш, ўзини фаоллигини кўрсатиш, таълим жараёнида шахсий ижодий қарашларини билдиришда намоён бўлади. Талабаларда мазкур кўникмаларни шаклланиши касбий фаолиятга ижодий ёндашиш, таълим муҳитига янгиликларни татбиқ этиш малакаларини ўзлаштиришларини кафолатлайди. Уларда педагогик фаолиятга ижодий ёндашув ҳамда инсонлар билан самарали мулоқотда бўлиш малакаси, ўз устида ишлаш имкониятларини яратади. Касбий педагогик мотивация бўлажак тарбиячиларни касбий эҳтиёж, касбий

қизиқиш ва педагогик фаолиятга ундайди. Санаб ўтилган талаблар мотивациянинг асосий белгиларидан бири бўлган ўқув фаолиятини қандай ташкил этиш билан боғлиқдир. Ўқув фаолиятида талабалар ўзини-ўзи таҳлил қилишда рефлексив қобилиятга таянадилар. Бўлажак тарбиячиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда ўқув фаолияти мотивацияси асосий омил ҳисобланади. Ўқув фаолияти мотивацияси ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, талабаларни билим, кўникма ва малакаларни фаол ўзлаштиришга йўналтирувчи жараён дир.

М.Г.Давлетшин ўқув фаолияти мотивациясининг қуйидагича таърифлайди “ Ички манбалар инсоний туғма ёки орттирилган эҳтиёжлари билан белгиланади. Орттирилган эҳтиёжлар фаолликка ундайди ҳамда гностик ва ижтимоий ижобий эҳтиёжлар ҳисобланади. Ташқи манбалар шахснинг ижтимоий шарт-шароитлари билан белгиланади. Турли хил таълимий вазиятлар ва жамиятни шахсдан талаб қиладиган доимий ҳуқуқ-атвори билдиради. Шахсий манбалар, шахснинг қадриятлари системаси установкалари ғояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятга таъсир этиб таълим жараёнининг мотивациясини ташкил этади. Шахснинг ички қониқиши, ўзини тан олиш, муваффақиятларга эришиши билан намоён бўлади”[2; 92-93-бет.].

Агарда профессор-ўқитувчи томонидан аниқ мақсад ва натижалар белгиланган бўлса, мотивация манбалари ўқув фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Маълумки, мотивлар учун энг муҳим омил қизиқиш ҳисобланади. Қизиқиш диққат, фикр ва хаёлнинг йўналганлиги билан ифодаланади. Талабаларда мотивни пайдо қилиб, ундан кейин мақсадни тўғри қўя олишга ўргатиш лозим. Касбий мотивация бевосита шахснинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, шахсий истак ва хохишлари негизида пайдо бўлади. алабаларда касбий мотивация турли мотивлар негизида шаклланади. Фикримизча, касбий соҳага оид мотивлар

сирасига мактабгача таълим соҳаси бўйича билим олишга интилиш, педагогик фаолиятида муваффақиятга эришиш йўлларини пухта эгаллаш, педагогик маҳорат ва этикага эга бўлиш киради. Мазкур компонентлар касбий фаолиятни ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Буларнинг барчаси талабаларнинг касбга қизиқиши билан боғлиқ бўлиб, ўз олдига қўйган мақсадга эришишда ютуқларни эгаллаш ва касбий фаолиятида ижод қилишга интилишни таъминлайди. Буларнинг барчаси касбий мотивация компонентларига боғлиқ. Қуйида талабаларда касбий мотивацияни шакллантириш компонентларини келтирамыз.



Юқорида келтирилган касбий мотивацияни шакллантириш компонентлари бўлажак тарбиячилар фаолиятини ташкил этишга

йўналтирилган барча мотивларнинг жамланмаси деб аталиши мумкин. Уларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, педагогик фаолиятни юритишда бўлажак тарбиячиларни юқори натижаларга эришишларини кафолатлайди.

Касбий компетенцияни шакллантирувчи мотивлар бўлажак тарбиячиларда педагогик фаолиятга қизиқиш уйғотади. Фаолият шахсий муносабат мақсадли йўналганлик, қизиқиш ва мотивлар таъсирида пайдо бўлади. Талабаларнинг фаол бўлишининг асосий манбалари мақсадли фаолият, ижодий ўзини намоён этиш, тарбиячилик маҳоратини ҳар томонлама эгаллашга интилишларидир. Мотивация компонентлари касбий тайёргарлик жараёнига интернал ва экстернал мотивлар таъсири ҳамда талабаларни касбни пухта эгаллашлари учун ҳаракат қилишлари ижодий ўзини намоён этиши билан характерланади. Бунда шахсий мотивлар муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса талабаларда касбий фаолиятида ўз ўрнига эга бўлиш ва ўзини тарбиячилик касбига бағишлашга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш. Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-3261-сонли қарор. 2017 йил 9 сентябрь.
2. Давлетшин М.Г ва бошқ. Ёш даврлари ва педагогик психология. (ўқув методик қўлланма. Т.: 2004 й. 129 б.
3. Ильин. Е.П. Мотивация и мотивы. СПб.:Питер, 2011.-512 с.
4. Маркова А.К. Проблемы формирования мотивационной учебной деятельности. М.: Изд-во МГУ, 2016.- 245 с.
5. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М., Гаипова Н.С. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси “Ўқувчилик буюмларини конструкциялаш” фани мисолида. Методик қўлланма.Т.:2013 -87 б.

6. Нюттен Ж.Р. Мотивация, действие и перспектива будущего. Под ред. Леонтьева Д.А. М.: Смысл, 2004.-608 с.

7. Ҳайдаров Ф., Абдукаримов Х., Алимова Ф., Ботиров Б. Талабаларнинг ўқув мотивларини шакллантириш. Т.:2009-131 б.

8. Якобсон П.М. Психология чувств и мотивации. изб психол. Под ред. Борисовой Е.М. М.:Изд-во. Психологии. Воронеж: МОДЭК,1998.- 304 с.